

## Ишончни оқламаган элчи



11:00 / 06.03.2022 2701

Миср ва БАА ўртасидаги муносабатларда қимматбаҳо буюмлар контрабандаси ҳақида учрашув бўлиб ўтди. Унда юқори мартабали шахслар иштирок этди.

ТАСС агентлигининг дипломатик доиралардаги манбасига таяниб хабар беришича, бу ишга Амирликнинг Мисрдаги элчиси Ҳамад Саид аш-Шамсийдан бошқа ҳеч ким алоқадор эмас.

Тергов маълумотларига кўра, дипломат ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, қазималар вақтида топилган қимматбаҳо нарсаларни мамлакатдан олиб чиқиб кетган.

«Al-Quds Al-Arabi» газетасининг қайд этишича, ишончни оқламаган элчи пирамидалар мамлакатидан чиқариб юборилган. Ушбу тергов жараёнида

жами 20 га яқин киши иштирок этмоқда, улар орасида Миср Араб Республикасининг собиқ депутати Ало Ҳасанейн ва мисрлик нуфузли тадбиркор Ҳассан Рате ҳам бор.

Ўғирланган ашёлар тақдири, Амирлик шайхларининг шахсий коллекцияларига тушгани, шунингдек, етказилган зарар миқдори ҳақида маълумотлар йўқ.